



ХИНДУЙЛИК ДИНИ: ТАРИХИЙ, ФАЛСАФИЙ ВА ИЖТИМОЙ ТАҲЛИЛ

Худойкулов Азамат

Иқтисодиёт ва педагогика университети
Тарих ва ижтимоий фанлар кафедраси доцент в.б.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20536518>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 26-may 2026 yil
Ma'qullandi: 28-may 2026 yil
Nashr qilindi: 30-may 2026 yil

KEYWORDS

хиндуйлик, Ведалар,
Упанишадлар, карма,
сансара, мокша ҳинду
фалсафаси, диний
қадриятлар, Ҳиндистон
маданияти..

ABSTRACT

Мазкур мақолада хиндуйлик динининг шаклланиш тарихи, асосий фалсафий қарашлари ҳамда жамият тараққиётидаги ижтимоий аҳамияти таҳлил қилинади.

Хиндуйликнинг қадимги Ҳиндистон цивилизациясидаги ўрни, Ведалар, Упанишадлар ва бошқа муқаддас манбаларнинг мазмун моҳияти ёритилади. Шунингдек, карма, сансара, мокша каби тушунчаларнинг фалсафий талқини ҳамда диний қадриятларнинг жамият ҳаётига таъсири илмий асосда баён этилади.

Хиндуйлик дунёдаги энг қадимий диний тизимлардан бири бўлиб, унинг тарихи тахминан милоддан аввалги II минг йилликка бориб тақалади. Бу дин асосан Ҳиндистон субқитъасида шаклланган бўлиб, бугунги кунда бир миллиарддан ортиқ эътиқодчиларга эга. Хиндуйлик нафақат диний таълимот, балки ўзига хос фалсафий, ахлоқий ва ижтимоий тизим ҳам ҳисобланади. Унинг асосий манбалари сифатида Ведалар, Упанишадлар, “Бхагавадгита” ва бошқа муқаддас матнлар хизмат қилади.

Ведалар дини. Милоддан аввалги иккинчи минг йиллик ўрталарида Ҳиндистоннинг шимолий-ғарбий қисмига, ҳозирги Панжоб худудига ғарбдан Ҳиндикуш довлари орқали ўзларини орийлар деб атаган жангари халқлар бостириб кела бошладилар. Бу халқлар Эронга кўчиб келган қўшни қабила тилларига жуда яқин бўлган, ҳинд-европа тилларидан келиб чиққан тилда гаплашар эдилар. Ҳарбий жиҳатдан катта маҳоратга эга бўлишлари билан бирга шеърятга ҳам уста эдилар. Шу йўл билан улар бу минтақада мавжуд дунёқарашни ўзлари хоҳлаган тарафга ўзгартира олардилар. Улар ўзлари билан муқаддас ёзувлари – Ведалар (санскр. – муқаддас билим)ни ҳам олиб келган эдилар.

Ҳинд адабиёти жуда бой, уч ярим минг йилдан ортиқ тарихга эга. Вақт ўтиши билан ундан анчагина қисми умуман йўқолиб кетди. Аммо бу адабиётнинг бошланиши Ведалардир. Бу бошланиш бўш, саёз бўлмайд, аксинча, жуда ҳам пухта ва ажойиб эди. У кейинчалик ўз ўрнида катта дарёлар пайдо бўлган кичик ирмоқни эмас, балки улкан денгизни эслатади. У доимо асос-манба бўлиб қолаверади. Албатта, Ригведадан олдин қандайдир бошланиш бўлган бўлиши мумкин. Лекин биз бу ҳақда ҳеч нарса билмаймиз.

Ригведа ўз соҳасида нафақат энг кўзга кўринган китоб, балки Ҳиндистоннинг ўша давр воқеалари ҳақида хабар берувчи ноёб манба ҳамдир.

Ведалар таркибига турли даврларда ёзилган бир неча китоблар кирган бўлиб, улар ўз ичига ибодат, маросимлар, фалсафий таълимотлар, тарихий хабарларни олган эди. Ведалар тўрт йирик тўпламдан иборат:

- 1.Ригведа («Мадҳиялар ведаси»);
- 2.Самаведа («Кўшиқлар ведаси»);
- 3.Яжурведа («Қурбонликлар ведаси»);
- 4.Атхарваведа («Афсун ва жодулар ведаси»).

Ригведа. Ригведанинг қадимий ҳиндлар маданиятида, шунингдек, умумҳинд-европа маданиятидаги ўрнини тушуниш учун китобнинг асли пайдо бўлиш тарихига назар солиш лозим. Орий қабилаларининг кўчиб келишлари кўп асрларга чўзилган ва жуда кенг миқёсни қамраб олган узоқ жараён бўлган. Ригведада бу қабилаларнинг Ҳиндистонга кўчиб келишларидан олдинги ҳаракатлари ҳақида аниқ эсдаликлар учрамайди. Аммо орийлар бу ерда биринчи пайдо бўлганларида уларда фақатгина жанг аравалари эмас, балки худоларга айтилган, уларнинг жанговар руҳини қўллаб-қувватлаган, уларнинг душман устидан ғалаба қилишлари, шон-шухрат, бойлик, эркак авлод қолдириш, тараққий этиш учун бўлган интилишларини акс эттирган мадҳиялар ҳам бор эди. Бу мадҳиялар руҳоний оилаларида оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга узатилди. Ригведада зардуштийликнинг муқаддас китоби Авесто билан жуда ҳамоҳанг афсона ва маросимлар бор. Баъзи ноаниқ афсонавий шахслар бу икки манбани бир-бири билан қиёслаш ёрдамида аён бўлади.

Самаведа. Бошқа ведалар орасида Ригведага кўпроқ боғлиқ бўлгани бу Самаведадир. У ҳозирги даврга икки таҳрирда этиб келган Каутхума (Kauthuma) ва Ранаяния (Rānāyāniya). Каутхума тўплами 1810 шеърдан иборат бўлиб, ундан фақатгина 76 таси Ригведада учрамайди. Ундаги шеърлар, асосан, Ригведанинг VIII ва IX мандаласидан олинган бўлиб, тантанали қурбонлик маросими пайтида ўқилади. Тўпلام икки қисмдан иборат: биринчи кичикроқ бўлган ҳажми Агни, Индра илоҳиётларига, иккинчиси Сомага қурбонлик келтириш маросимида айтиладиган кўшиқлардан иборат. Шеърлар орасида ички боғлиқлик бўлмай, уларнинг тартиби маросимларнинг боришига қараб белгиланган. Бу шеърлар оҳанг билан кўшиқ тарзида айтиш учун мўлжалланган. Ушбу веданинг мақсади диний маросимларда айтиладиган кўшиқларни ўргатишдан иборат. Ҳиндистонда ҳозиргача ведаларни куйга солиб куйловчилар – самавединалар сақланган бўлиб, уларнинг турли мактаблари мавжуд. Кейинги пайтларда қадимий мусиқий анъананинг давоми деб даъво қилинаётган замонавий ижро санъатини ўрганиш бўйича кўп ишлар қилинди.

Яжурведа қолган ведалардан фарқли ўлароқ, тўлалигича шраута (қурбонлик маросими) билан боғлиқ. Унинг асосий қисмини қурбонлик усуллари – яжус ташкил қилади. Мазкур яжуслар маросимнинг маълум бўлимларида ижро этилиб, бу шеърларни маросимнинг боришидан келиб чиқиб тушуниш мумкин.

Яжурведанинг матни турли маросим ўтказувчи брахманлар мактаблари томонидан таҳрир қилинган шаклларга эга. Улардан Яжурведанинг асл нусхасини ажратиш олиш жуда қийин, аммо улардаги умумий жиҳатларни аниқлаш мумкин: тўлин ойли тунда, янги ой чиққанда, Агни учун ўтказиладиган қурбонлик маросимлари.

Ведалар таълимоти. Ведаларда бутун табиатнинг илоҳийлиги ҳақидаги таълимот илгари сурилади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ҳиндистон кўпхудоликнинг ўчоғи ҳисобланади. Ундаги тасаввурларда бири иккинчисидан юқори бўлган, иккинчиси, аксинча, пастроқ бўлган қатор илоҳиётлар сиймоси намоён бўлади. Бироқ бу даражалар тўхтовсиз алмашилиб туради. Илоҳиётлар орасида «энг улуғи, энг кичиги, энг қариси, энг ёши» бўлмай, улар барчаси улуғликда тенгдир. Энг юқори ҳокимият ҳам кўпчилиikka тегишли. Бир вақтнинг ўзида бир худо бутун борлиқнинг ҳукмдори бўлиши ва шу билан бирга у иккинчи бир худога тобе бўлиши мумкин. Масалан, Индра ва барча худолар Варунага тобе бўлган бир пайтда, Варуна ва бошқа барча худолар Индрага бўйсундилар. Худди шу муносабат бошқа худоларга ҳам тегишли. Бу белги веда илоҳиётига ҳам хосдир.

Веда худолари. Ведаларда худолар – осмон худолари, қуёш худолари, ҳаво худолари, ер худолари, аёл худолар каби худолар тоифаси ҳақида мадҳиялар баён этилган.

Брахманлик веда динларининг бир шаҳобчасидир. Вақт ўтиши билан ведалардаги кўшиқлар оммага, ҳатто руҳонийларга ҳам тушунарсиз бўлиб қолди. Бу кўшиқлар ҳали ўзгаришга учрамай, муқаддас тил ва муқаддас матнлар пайдо бўлди. Ниҳоят, бу тилни ўрганиш учун кишилар алоҳида гуруҳлар тузиб, махсус вақт ажратдилар. Натижада ўз ҳаётларини ибодат қилиш, илоҳиёт илмини ўрганиш, мураккаб маросимларни ўтказиш ва халқ руҳоний ҳаётини бошқаришга бағишлаган брахманлар кастаси (табақаси) вужудга келди. Динга хос бўлган хусусиятлардан бири – илоҳий тилни ўзгартириб бўлмаслигидир. Худди шу бир тилнинг эскириб амалдан қолиши ва фақат муқаддас тилга айланиб қолиши брахманизмнинг келиб чиқишига сабаб бўлган омиллардан биридир.

Орийлар умуман бошқа маданиятга, ҳаёт тарзига эга бўлган турли халқлар билан учрашиб, мутлақо бошқа табиий шароитга дуч келдилар. Улар кўчманчиликдан энди ўтроқ ҳаётга ўтиб, давлатдаги ҳукмрон синфга айландилар. Шундан сўнг уларнинг эски динлари – ведизм мазкур жараёнлар таъсирида тараққий этди. Бу тараққий динни фалсафий жиҳатдан чуқурлаштириш, руҳонийлар табақасининг мавқеини кўтариш, ибодат ва маросимларни мураккаблаштириш, илоҳлар сифатини мураккаб томонга ўзгартириш ҳисобига бўлди. Шундан кейин ўзгартириш тақиқланган диний ақида вужудга келди.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Ҳиндуийлик таълимотини ўрганиш бўйича кўплаб олимлар тадқиқот олиб борганлар. Жумладан, Сарвепалли Радхакришнан ўзининг “Indian Philosophy” асарида хиндуийликнинг фалсафий асосларини кенг ёритган. Макс Мюллер Ведаларни тадқиқ қилиш орқали мазкур диннинг тарихий ривожланиш босқичларини таҳлил қилган. Мирча Элиаде эса хиндуийликнинг диний ва маданий жиҳатларини ўрганган.

“Бхагавадгита”да инсоннинг бурчи ҳақида шундай дейилади. “Ўз бурчини бажариш бошқанинг вазифасини мукамал бажаришдан афзалдир” [1, 45-бет].

Радхакришнан таъкидлайди: “Хиндуийлик муайян догмалар мажмуаси эмас, балки ҳаёт тарзидир” [2, 112-бет].

Упанишадаларда: “Ҳақиқат ягонадир, донишмандлар уни турлича номлайдилар” деган ғоя илгари сурилади [3, 67-бет].

Макс Мюллер фикрича: “Ведалар ҳинд цивилизациясининг маънавий пойдеворини ташкил этади” [4, 89-бет].

Мирча Элиаде қайд этади: “Ҳиндуийлик инсон ва коинот ўртасидаги уйғунликни англашга интилади” [5, 156-бет].

Ҳиндуийликнинг шаклланиши. Ҳиндуийлик эрамиздан олдинги динлар - брахманизм ва ведаизмнинг эволюцияси натижасида эрамизнинг биринчи минг йиллиги ўрталарига келиб шакланган. Шу даврдан бошлаб хиндуийлик ҳукмрон динга айланган. Ҳиндуийлик синкретик дин бўлиб, турли эътиқодлар, урф-одат ва маросимлар, маҳаллий диний эътиқод ва қарашларнинг мураккаб комплекси сифатида воқе бўлиб, уруғ-қабил динлари элементларини ва асосий ғояларини қамраб алган. Ҳиндуийлик ўзининг ягона ташкилотига эга эмас.

Эрамиздан аввалги VI асрда Ҳиндистонда кейинчалик жаҳон динларидан бирига айланган Буддавийлик вужудга келди. У брахманликдаги бир неча элементларни қабул қилган бўлса-да, каста таълимотини инкор этди. Ўша даврда Ҳиндистондаги каста тузумини сақлаб қолишга, брахманлик динини ислоҳ қилиб, қайта тиклашга ҳаракат бошланди. Бу ҳаракат брахманлик билан буддавийлик ўртасидаги курашни ифодаловчи хиндуийлик эди. Ҳиндуийлик кўпхудолик дини бўлиб, унда брахманликдаги асосий уч худо тан олинади; **1) коинотнинг яратувчиси бўлган Брахма 2) дунё низомини ушлаб турувчи Вишну 3) коинотни ҳалок қилиш қудратига эга Шива.**

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда тарихийлик, қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув, ва манбашунослик усуллари билан фойдаланилди. Ҳиндуийликнинг муқаддас матнлари ҳамда замонавий илмий адабиётлар таҳлил қилиниб, унинг тарихий тараққиёти ва ижтимоий аҳамияти ўрганилди.

Ҳиндуийлик таълимотига кўра олам, ҳаётнинг барча шаклини Брахма яратган. Бироқ Брахма бу динда уч худонинг номигагина бошлиғи. Ҳозир Брахмага сиғиниш деярли йўқ. Ҳиндуийлар асосан Вишну ва Шивага сиғинадилар, уларга атаб қурбонликлар келтирадилар.

Ҳиндуийликда жаннат ва дўзах ҳақидаги тушунчалар ҳам мавжуд. Улар марҳумларни Ганг дарёси соҳилларида куйдириб, кулини сувга оқизадилар.

Ҳиндуийлик жуда мураккаб диндир. У бир томондан йирик ижтимоий ташкилот, иккинчи томондан турли динлар қоришмасидир. Ижтимоий ташкилот сифатида кастачилик асосига қурилган. Бу дин асосан Ҳиндистонда тарқалган бўлиб, мамлакат аҳолисининг 83% шу динга эътиқод қилади.

Ҳиндуийлик эътиқод қилувчилар сони жиҳатидан жаҳонда учинчи ўринда туради. Барча хиндуистларнинг сони 1.15 млрд.ни ташкил этади. Йирик жамоалар Бангладешда (12 млн.), Индонезияда (3,6 млн.), Шри Ланкада (3 млн.), Покистонда (1,5 млн.), Малайзияда (1 млн.), АҚШда (0,5 млн.), Бутанда (0,3 млн.) мавжуд. Ҳиндуийлик уни қабул қилмоқчи бўлганларга қўядиган биринчи ва асосий шарт Ҳиндистондаги каста тузумини қабул қилишдир.

Диний қоришма сифатида хиндуийлик орийларгача бўлган динлар, ҳинд-скиф жамоаларининг ибтидоий диний тасаввурларини ва қадимги брахманларнинг буддизм билан аралашган қадимий урф-одатларини ўзида мужассам қилган

Шуниси қизиқки, хиндуийлик ўзининг асоси ҳисобланадиган ведизм ва брахманизмдан ташқи кўринишда фарқланади. Унда янги брахманизм динлари,

тўғрироғи, оқимлари мужассамдир. Уларнинг барчасини умумий жиҳатларига қараб бир гуруҳга жамлаш мумкин: 1) тушунча ва қонунларнинг асл манбаи бўлган ведаларнинг муқаддаслиги; 2) гуру (пир, устоз)нинг тан олинishi; 3) муқаддас жойларга зиёратга бориш; 4) санскритнинг муқаддас тил эканлиги; ва ниҳоят, 5) сигирнинг муқаддас эканлиги. Бу беш қоида ёки ақида умум томонидан тан олинган бўлса-да, кўп сонли эътиқод қилувчилар орасида ўзига яраша фарқ ва ўзига хослик касб этган.

Таҳлил ва натижалар. Ҳиндуийликнинг шаклланиши ведавий давр билан боғлиқ бўлиб, кейинчалик брахманизм ва классик ҳиндуийлик босқичларини босиб ўтган. Унинг марказий ғоялари карма, дхарма, сансара ва мокша тушунчалари ҳисобланади.

Карма инсоннинг ҳар бир амали келажакда муайян натижа бериши ҳақидаги таълимотдир. Дхарма эса ўахснинг ахлоқий ва ижтимоий мажбуриятларини белгилайди. Сансара қайта туғилиш занжир бўлса, мокша ушбу айланишдан халос бўлишни англатади.

Фалсафий жиҳатдан ҳиндуийликда веданта, санкхья, йога, ньяя, ва вайшешика каби мактаблар шаклланган. Бу мактаблар инсон, табиат ва борлиқ ҳақидаги турли қарашларни ривожлантирган.

Ижтимоий нуқтаи назардан ҳиндуийлик Ҳиндистон жамиятининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган. Каста тизими узоқ вақт ижтимоий муносабатларни тартибга солиб келган бўлса-да, замонавий даврда унинг айрим жиҳатлари танқид қилинмоқда. Шу билан бирга, бағрикенглик, меҳр-оқибат ва маънавий камолот ғоялари жамият тараққиётига ижобий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Ҳиндуийликда кейинги даврда ведалардан ташқари халқ оғзаки ижоди намуналари, жумладан, «Махабхарата» ҳам муқаддас ёзувлар қаторига қўшилган. Ҳиндуийликда ҳам брахманлар асосий ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам мазкур адабиётларнинг кўпчилиги брахманлар томонидан яратилган. Улар эски ақидаларнинг замон талабига жавоб бермаслигини кўриб, янги қонун-қоидаларга мос равишда турли оқимларни юзага келтирдилар. Улар шу йўл билан ўз рақиблари ҳисобланган буддистларга қарши кураш олиб бордилар.

Ҳиндуийлик брахманизмдан катта фарқ қилади. Унда Махабхарата ва бошқа шеърӣ матнлар қадимги санскрит тилидан замонавий ҳинд тилига таржима қилиниб, муқаддаслиги жиҳатидан асл матни билан бир хил ҳисобланади. Ҳиндуийлик таълимотига кўра, брахманлар нафақат олий табақа вакиллари, балки оддий халқ ичидан, ҳатто аёллардан бўлиши ҳам мумкин.

Юқорида айтганимиздек ҳиндуийликда тримурти (учлик) – Брахма, Вишну, Шива худолари асосий худолар саналиб, Брахма уларнинг энг каттаси – дунёни яратган худо ҳисобланади. Бироқ Ҳиндуийликда фақатгина Вишну ва Шивагагина сиғинадилар. Шунга биноан, Ҳиндуийлик икки асосий оқимга бўлинади: **Шивага сиғинувчилар ва Вишнуга сиғинувчилар.**

Вишнуизм ва шиваизм оқимларининг вакиллари ўз худоларига бағишлаб минглаб катта-кичик ибодатхоналар қурганлар. Бу динга эътиқод қилувчилар "муқаддас жойлар", дарёлар ва бошқа ҳар хил нарсаларга сиғинадилар. Ҳинд халқи орасида ёвуз руҳларга эътиқод қилиш кенг тарқалган. Улар турли ҳайвонлар - хўкиз, сигир, маймун ва илон кабиларга ҳам сиғинадилар, уларни муқаддаслаштирадилар. Масалан, ҳиндуийлик тарафдорлари сигирни саҳийлик манбаи ва гўзал аёл тимсоли деб

ҳисоблайдилар. Рухонийлар сигирларни сўймаслик ва гўштини емасликни тарғиб қиладилар. Аммо хиндуийлик сигар сутини ичишни ва ундан хўжалиқда иш ҳайвони сифатида фойдаланишни таъқиқламайди.

Ҳинд халқи учун Ганг дарёси муқаддас ҳисобланади. Ҳиндуийлик динига эътиқод қилувчилар Банорас шаҳрини ҳам муқаддаслаштиришган. Ривоятларга кўра, гўё Ганг дарёси қиргоғида киши ҳаётдан кўз юмса, нариги дунёдаги ҳаёти анча енгиллашар, жаннатга йўл олар деган диний фикр бор.

Ҳиндуийликнинг характерли хусусиятлари, юқорида қайд қилингандек, жамиятдаги кишиларни табақаларга - касталарга ажратишдир. Ҳозирги пайтда кишиларни табақаларга бўлиш тақиқланган. Аммо табақаларга бўлиниш минглаб йиллар давом этганлиги ва кишиларнинг онгига чуқур сингиб кетганлиги учун бу масалада муайян қийинчиликлар юз бермоқда.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, хиндуийлик нафақат диний тизим, балки кенг қамровли фалсафий ва ижтимоий таълимот ҳисобланади. Унинг асосий ғоялари инсоннинг маънавий камолоти, ахлоқий масъулияти ва жамият билан уйғун яшашини тарғиб этади.

Хиндуийлик инсоният тарихидаги энг қадимги ва мураккаб диний-фалсафий тизимлардан бири ҳисобланади. У нафақат диний эътиқод шакли, балки инсоннинг маънавий камодоти, ахлоқий қадриятлари ва жамият тараққиётини белгиловчи муҳим омил сифатида ҳам намоён бўлади. Хиндуийликнинг карма, сансара, мокша ҳақидаги қарашлари Шарқ фалсафасининг ривожига катта таъсир кўрсатган.

Мазкур диннинг тарихий ва фалсафий меросини ўрганиш бугунги кунда ҳам долзарб илмий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Айниқса, унинг инсонпарварлик, маънавият ва ахлоқий қадриятларга оид таълимотлари замонавий жамият учун муҳим аҳамият касб этади.

Таклифлар:

1. Хиндуийликнинг фалсафий меросини қиёсий диншунослик нуқтаи назаридан янада чуқурроқ ўрганиш лозим.

2. Унинг бағрикенглик ва ахлоқий тарбияга оид ғояларидан ёшлар тарбиясида самарали фойдаланиш мумкин.

3. Шарқ динларининг ижтимоий тараққиётга таъсирини ўрганиш бўйича янги тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Хиндуийлик ва бошқа динлар ўртасидаги умуминсоний қадриятларни тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Bhagavad Gita/ - New Delhi: Motilal Banarcidass Publishers, 2010/ - 320 b.
2. Radhakrishnan S. Indian Philosophy. Vol.1. - New Delhi: Okford University Press, 2008. - 736 b.
3. Radhakrishnan S.The Principal Upanishads. - New Delhi: HarperCollins India, 2014. * 958 b.
4. Muller M/The Six Systems of Indian Philosophy. - London: Longmans Green and Co., 1912. - 312 b.
5. Eliade M. Yoga: Immortality and Freedom. - Princeton: Princeton University Press, 2009. - 544 b.